

Вокеий хикоя  
Бобом Мулла Жура хотирасига

Ўшанда учинчи синфда ўқирдим. Мактабимиз “Лагер” деб аталадиган каттакон богнинг чеккасида жойлашган эди. Богда асосан ўрик, олма дарахтлари бўлиб, хар йили шигил мева соларди. Бог чеккасида катта ховуз бор эди. Ховуз атрофи узун-узун акас дарахтлари билан ўралган, оппок акас гуллари сувда сузиб юарди. Айтишларича, мактаб биноти олис Сибир ва Кавказ томонлардан сургун килинганлар учун махсус қурилган экан. Бу жой уруш йилларигача жазо лагери бўлганини биз болалар кейинчалик катталардан эшитганмиз. Уларнинг дард ва изтироб билан хикоя қилишларича, сургун килинганларнинг кўпи иссиқка чидаёлмай, баъзилари очлик туфайли оламдан ўтиб кетган экан.

Олтмишинчи йилларга келиб мазкур бинода тўрт йиллик мактаб очилган. Мактаб бор-йўги кичкина йулак ва иккита синфхонадан иборат эди. Чап томондаги хайхотдай хонанинг шифти баланд, ваҳимали эди. Деразаларнинг ярмигача гишт терилгани учун кўпинча кундузлари ҳам чирок ёкиб дарс утиларди. Бир хонада учта синф болалари утириб, уч фандан дарс тинглардик. Хаммамизга барча фандан битта аёл дарс берарди. Унинг исми эсимда қолмаган. Кўзлари кўкимтир, жуссаси озгин ва жингалак сочларини зарҳал бўёқларга бўяб, ажинага ўхшаб юарди. Сочи сарик бўлиб сарик эмас, кулранг бўлиб кулранг ҳам эмас, беретов бир ранг эди. Хонанинг ўнг томонида ўтирган 1-синфларга “Алифбе”дан, ўрта қаторда ўтирган 3-синфга “Ўқиш китоби”дан ва чап томонда ўтирган 4-синфга “Арифметика”дан вазифа бериб, ўзи канд-курс билан хуриллатиб қўйиб ичарди. Тушунмаганини сўраган ёки бехосдан гапирган боланинг юрагини ёриб, бақириб берарди. Бақиргани етмаганидай олдида турган оккандни башарасига отарди. Жаҳли тез, кўли каттик, меҳри тош эди. Кўли теккан жойнинг оғриги икки-уч кунгача кетмас, ўрни хафталаб кўқариб юар эди. Агар кулоққа ёпишса, тамом — ўт чакнади, ўт! Ундан улардай қурққанимиз учун бошимизни эгиб, жимгина ўтириб, дарс қилардик. Қаҳри каттик аёл эди у.

Бу хотин ашаддий коммунист, эри эса хўжалиқда партком қотиби эди.

Бир кун дарс пайтида у “Ўқиш китоби”нинг орасидан арабча ҳарфлар ёзилган бир варак қозонни кўриб, шартта тортиб олди. Олдию захрини соча бошлади. Унинг мушукникидай сарғиш-кўкимтир кўзлари қазаблангани боис қосасидан чиқиб кетай дер эди.

— Ким ёзган буни?! — деб ўшқирди худди ўта махфий ҳужжатни қулга қиритган терговчидай.

— Мен, — дедим астагина унинг ваҳохатидан кўркиб.

— Сен ярамас хали арабча ёзувни биласанми? Буни сенга анави мулла, диндор буванг ўргатган! — дея баттар пишиқиб кетди. Сунг мени жаҳл билан судраб, ёзув тахтаси ёнига олиб чиқди. Қутилмаганда тиззамни партанинг қиррасига уриб олдим. Танамдан гуё ўт чиқиб кетди.

— Ўзим ҳам уйлаган эдим, арабча ёзувни сенга бобонг мулла Жўра ўргатган бўлса

керак, деб. Мулланинг боласи мулла буларкан-да! Одамларни “Худо бор” деб алдагани етмаганидек, энди совет ёшларини хам бузаяптими, ярамас мулла! Сен муллавачча факат мактабимизга эмас, мендай илгор ва халол коммунист шаънига иснод келтирдинг.

Шошмай тур, муллача, сени хам, партиямиз душмани бўлган бобонгни хам панжарага тикаман. Тавбангга таянтираман сен аблахларни! — деб кутилмаганда жон-жаҳди билан мени дуппослай кетди. Юз- кузларим аралаш мушт тушира бошлади.

Бир махал ўнг кулогимдан махкам ушлаб чунонам тортди- ки, кулогимдан кон отилди. Хаммаёгим кип-кизил конга бўялди...

Болалар кўркувдан тошдай котиб, киприк кокишга хам юраклари бетламай, анграйиб туришарди... Уйга қандай килиб, қай ахволда етиб келганимни билмайман...

Ўша кеча роса иситмалаб чикдим. Тушларимда нукул бир варақ коғозга ёзилган арабча харфларни, сўзларни кўраман, холос. Сўнг газаб отига минган хотиннинг важохатли киёфаси пайдо булади...

Икки кун шу ахволда алахсиб ётдим. Уч-турт синфдошим яширинча келиб, куриб кетишди. Улар ахволимни кўриб: “Энди арабча ёзма, арабча ўкима, бўлмаса ўқитувчимиз яна уради”, деб ўзларича мени огохлантиришди.

“Кўрккан олдин мушт кутаради” деганларидек, учинчи куни ўқитувчининг аризасига асосан уйимизга озгин, тез-тез гапирадиган кишлоқ шуриси раиси, баланд буйли милиса ва хўжалик партия ташкилоти вакили келди. Улар дастлаб бечора бобомни, сўнг мени обдан сурок қилишди. Мен булган воқеани гоҳ тутилиб, гоҳ кўркиб гапириб бердим. Бобомдан тилхат ёздириб олишди. Сўнгра улар мени етаклаб мактабга боришди. Куўз кўриб, кулоқ эшитмаган антика томоша рўй берди. Уч синф болани менга қарши тайёрлаб кўйган экан. Милиса мени ёзув тахатаси ёнига чиқарди, сўнг синфдагиларга юзланиб сўради:

— Қани, айтинглари-чи, манави болани ўқитувчи урдими?

Болалар бир овоздан “йук” дейишди. Сўнгра улар кутилмаганда бор овозлари билан жўр бўлиб: “Тухматчи, тухматчи” деб қичкира бошлашди. Мен бу дахшатли ҳолатга чидаёлмай йиглаб юбордим, ўзимни эшикка урган эдим, милиса ушлаб қолди. Болалар тинимсиз бақирар, мен эса йиглар эдим...

Раҳматли бобожоним менга арабчани ўргатаман деб анча вақтгача тергов бериб юрди. Партия аъзоси булмаса хам, хўжалик партия мажлисида муҳокама қилиниб, каттик хайфсан олди.

Ўқитувчи “қахрамон” лигидан хурсанд бўлиб, гудайиб юрди.

Бобом: “Худога солдим, жазосини Худо берсин!” дедилар.

Мен эса бобомнинг олдида “айб” иш қилгандай хижолат эдим.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, биз оила-аъзоларимиз билан Зарафшон соҳилига — ота-онам тугилган Жалойир қишлоғига кўчиб кетдик...